

---

## Россия 1” телеканали вакиллари Бешариқдан махсус репортаж тайёрлашмоқда

Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида, Россиянинг таниқли оммавий ахборот воситалари мухбирлари қовун сақлаш сирлари бўйича махсус репортаж тайёрлаш учун Юртимизга ташриф буюрдилар.

Туризм ҳақида гап кетганда, Ўзбекистон ўзининг таомлари билан машҳурлигини эслатиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Бугун Андархоннинг қовунлари Бешариқ туманининг ташриф қоғозига айланиб улгурганлигини бемалол таъкидлаш жоиз.

“Россия 1” телеканалининг “Вести недели” кўрсатуви журналистлари андархоннинг қовунлари, унинг қовуққа боғланиши, қолаверса, кандай сақланиши ҳақида махсус репортаж суратга олишди.

Мазкур махсус репортаж жорий йилнинг 27 ноябрь куни эфирга узатилиши кўзда тутилган.

Бешариқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2023-11-27 08:00:12